

Закирова Феруза Махмудовна,

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Хуррамов Баҳодир Саппарович,

Сурхондарё вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази «Аниқ ва табиий фанлар методикаси» кафедра катта ўқитувчиси

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР ХУСУСИДА ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

УДК: 37.013.8 (575.1)

ЗАКИРОВА Ф.М., ХУРРАМОВ Б.С. МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР ХУСУСИДА ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Мақолада масофавий таълим тизими ҳақида назарий ва амалий тушунчалар, масофавий ўқитишга асосланган таълим тизимини жорий этилиши бўйича муаммолар ва ечимлар, Ҳукумат қарорлари, масофавий таълимнинг мамлакатимиз таълими тизимига кириб келиши, масофавий таълим тизими орқали халқ таълим тизимида фаолият юритаётган информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожланиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: компетенция, таълим тизими, масофавий таълим тизими, масофавий ўқитиш.

ЗАКИРОВА Ф.М., ХУРРАМОВ Б.С. АНАЛИТИЧЕСКОЕ ОБСУЖДЕНИЕ ПРОБЛЕМ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ И ИХ РЕШЕНИИ

В статье представлены теоретические и практические аспекты системы дистанционного обучения, проблемы и решения по внедрению дистанционного обучения, правительственные решения по внедрению дистанционного обучения в систему образования нашей страны, приведены сведения по развитию методологической компетентности учителей информатики и информационных технологий, осуществляющих свою деятельность в системе образования.

Ключевые слова и понятия: компетенция, система образования, система дистанционного обучения, дистанционное обучение.

ZAKIROVA F.M., XURRAMOV B.S. ANALYTICAL COMMENTS ON PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF DISTANCE TEACHING

In the article is discussed theoretical and practical concepts of distance education, problems and solutions for the introduction of distance learning, government decisions, the introduction of distance education in the education system of the country, the system of distance education, the computer science and information technology in the public education system's teachers' methodological competence development.

Key words and concepts: competence, educational system, distance learning system, distance teaching.

Кириш. Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самардорлигини ошириш ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, ахборот технологияларини ривожлантириш ва кенг қўллаш давлатимизнинг яқин ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган муҳим стратегик вазифалари қаторида турганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бунга давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи мисолида яна бир бор амин бўлиш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида, «Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади. Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини икки баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор»¹ - дея таъкидлаб ўтган.

2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд оширишда илғор технологиялар ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳага янада фаол жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, жаҳон амалиёти ахборот-коммуникация технологияларининг

тараққиёти мамлакатнинг рақобатдошлигини ошириш, катта оқимдаги ахборотни тўплаш ва умумлаштириш, бошқарувни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда асосий омилга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак деб эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

Мамлакатимиз таълим тизимни юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири бу масофавий ўқитиш тизимига асосланган таълимни жадал ривожлантиришга қаратилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда дунёда масофавий ўқитиш тизими кундан-кунга ривожланаётган ва янгиланаётган таълимнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шундай экан мамлакатимиз таълим соҳасида ҳам замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Мавзу бўйича илмий изланишлар қисқача таҳлили.

Мамлакатимизда масофадан ўқитиш тизими, ушбу педагогик тизимда ахборот узатиш ва қабул қилиш воситаларининг имкониятларига мос ҳолда моделлаштириш бўйича илмий изланишлар республикамиз олимлари Н.И.Тайлаков, А.А.Абдиқодиров, **ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ** 2021, 1 (98)

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2016. Б. 14-15.

А.Э.Ибраймов, А.Д.Асқаров¹лар томонидан олиб борилган.

Мамлакатимиз олимларидан А.Пардаев, С.Раҳманқуловлар² нинг илмий ишларида масофавий ўқитиш тизимининг яратилиш омиллари ва асосий тамойилларини такомиллаштириш масалларига алоҳида эътибор қаратган.

Масофавий таълим тизимини жорий этилишидаги муамолар ва ечимлар, моделлари хусусида хориж ҳамда МДХ давлатлари олимлари Пулат Е.С, Бондарева О.В, Andreas M, Anderson T, Ashish Pant, Алина Чечет³лар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ҳамда ривожлантирилган.

Мақоланинг илмий моҳияти шундаки, муаллиф томонидан халқ таълими тизимида масофавий ўқитишни ривожланти-

¹ Тойлоқов Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий педагогик асослари. П.ф.д. ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 1993. - Б. 70-82.; Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х., Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Т. «Фан», 2009, - 46 б.; Ибраймов А.Э. Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари масофавий малака оширишларининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент, 2017 йил. –Б. 69-76.; Асқаров А.Д. Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент, 2017 йил. –Б. 86-92.

² Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х., Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. Тошкент, «Фан» нашриёти 2009 й. – 90 б.; Раҳманқулова С. Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар. Интернетнинг виртуал имкониятларидан бизнесда қандай қилиб, унумли фойдаланиш мумкин. Қўлланма. «infoCOM.UZ» нашриёти, Тошкент, 2015 йил, – 57 б.

³ Пулат Е.С. Теория и практика дистанционного обучения. Москва, Академия 2004 г. -С. 36-38.; Бондарева О.В. Лингвометодические основы дистанционного обучения РКИ на начальном этапе (фонетический аспект): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 2010. 65-67 с.; Andreas M. Kaplan and Michael Haenlein. Higher education and the digital revolution: About MOOCs, SPOCs, social media, and the Cookie Monster. Business Horizons. Indiana University, 2016 y. –P. 441.; T. Anderson. Analysis of a global online debate and the development of an interaction analysis model for examining social construction of knowledge in computer conferencing. Technical writing and communication. Nyu-York, 1997 y. - P. 397-401.; Ashish Pant. Distance Learning: History, Problems and Solutions. Advances in Computer Science and Information Technology Journal. Karamchari Nagar, 2014. – P. 66-68.; Алина Чечет. Проблемы дистанционного обучения в Украине. Наукoвi конференцiї. Київ, 2014 г.

риш масалалари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлсада, бироқ информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, ўқув методик таъминотини кенгайтириш, тизимда ишлаш кўникмаларини оширишга қаратилган амалий кўникмалар тўлиқ моҳияти ёритилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади масофавий ўқитиш тизими бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлардаги кўрсатилган муаммолари ва ечимлари таҳлилий ўрганилиб, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг масофавий ўқитиш таълими орқали уларнинг методик компетентлигини ривожлантириш имкониятларини очиб бериш бўйича амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда республикада фаолият юритаётган халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари.

Тадқиқотнинг субъекти республикада фаолият юритаётган 14 та халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида ташкил этиладиган масофавий таълим курслари информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари қамраб олинган.

Тадқиқотда қуйидаги методларидан фойдаланилган: масофавий таълим тизими муаммолари ва ечимларини қиёсий таҳлил орқали ўрганиш, олий ва халқ таълим тизимидаги масофавий ўқитиш тизимларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, онлайн сўров.

Тадқиқотнинг эмпирик манбасини анкета сўровномалари ва технологияларни қўллаш, аънавий малака ошириш ҳамда масофавий ўқув курсларини ўзлаштириш кўрсаткичлари ташкил этди.

Асосий қисм.

Бугун ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади. Қайси бир жабҳани олмайлик қулайлик, ошкоралик ва тезкорлик бобида замонавий ахборот технологиялари янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб

бораётганлигини кўришимиз мумкин. Шу боис юртимизда иқтисодий-барқарорлик, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш учун барча жабҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз”¹. Шундай экан бугунги кунда мамлакатимизда масофавий таълим тизимини ҳамда ушбу тизимда янги инновацияларни киритиш ва амалиётда қўллаш жараёнларни ривожлантириш давр талаби ҳисобланади.

Умуман олганда, педагог кадрларнинг масофавий малака оширишларини моделлаштиришни малака ошириш тизими мақсадини рўёбга чиқаришга қаратилган таълим жараёнининг мазмуни, таркибий-ташкилий қисмларини ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари имкониятларини инobatга олган ҳолда узвийлаштириш ва тизимлаштириш сифатида келтириш мумкин.

Масофали ўқитиш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, танлаш, шунингдек, ўз фикри ва нуқтаи назарларини эркин баён этиш ҳуқуқларини беради. Педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда қўлланиладиган масофали ўқитишнинг асосий мақсади бу - тингловчилар қаерда яшашларидан қатъий назар жаҳондаги ихтиёрий таълим муассасасида ўқиш имкониятини яратиш, таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш, тингловчиларга узлуксиз таълим олишни таъминлаш ва таълимнинг турли шакллари билан бир-бирига яқинлаштиришдан иборат².

¹ <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-khal-imiz-dunye-arashida-innovatsiya-mu-it-02-12-2017>.

² Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х., Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2009. – 91 б.

Масофавий таълимни жорий этилишида хорижий давлатларда ҳам республикамизда ҳам талайгина муаммолар юзага келган. Жумладан, Чехияда, масофавий ўқитиш таълимида, кўпчилик иштирокчилар ушбу ўқитиш шакли бўйича амалий тажрибага эга эмас эди. Бу масофавий ўқувчилар учун салбий натижаларга олиб келади. Таълим олувчиларга нафақат сифатли ўқув материалларини тайёрлашлари, балки уларни ўқитиш усулларига мослашишлари керак. Шу сабабли таълим олувчилар учун масофавий ўқитиш қийин кечади. Энг асосий муаммо таълим олувчиларнинг ўқишларини бошқариш қобилиятидир. Таълим олувчиларнинг бир қисми ўқиш учун мутаносиб жадвални режалаштиришга қодир эмас. Кўпинча таълим олувчилар охирида ўрганишни бошлайдилар, уларга курсларни муваффақиятли тугатиш талаб қилинади ва шунинг учун улар ўқимай талабларни бажариш билан шуғулланиб қолишади³.

Яна бир муаммо шундаки, тармоқда мавжуд бўлган материалларнинг асосий қисми интернетда фойдаланиш учун мўлжалланмаган. Таҳлил қилинган курсларда ахборот технологияларининг кўп имкониятларидан фойдаланилмаган. Топшириқлар ва назорат шакллари бир-бирига ўхшайди. Шунингдек, мулоқот кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар жуда кам. Буларнинг барчаси ўқув дастурларининг мазмунига оид муаммолардир. Техник нуқсонлар сифатида эса дизайннинг заифлиги, навигациянинг ноқулайлиги, ресурсларнинг ўз материаллари доирасидан ташқарига чиқа олмаслиги, гиперҳаволаларнинг камлиги кўрсатилган. Бундай курсларни масофавий курслар деб аташга йўл қўймайдиган асосий камчилик – интерфаолликнинг етишмаслиги ёки умуман йўқлигидир⁴.

Бу муаммолар масофавий таълимга мўлжалланган ўқув дастурларини ишлаб чиқишда нималарга эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

³ Rebecca Van de Vord. Distance students and online research: Promoting information literacy through media literacy. The Internet and Higher Education Journal. Czech, 2010, Pages. 170-175. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1096751610000266?via%3Dihub>)

⁴ Бондарева О.В. Лингвометодические основы дистанционного обучения РКИ на начальном этапе (фонетический аспект): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М.: 2010. 65-67 с.

Ҳиндистон ахборот технологиялари ва хизматлари «TechCret» дастурий таъминоти директори Ashish Pant масофавий таълим бўйича қуйидаги муаммоларни келтириб ўтган¹:

- ўқув материалда табиийликни етишмаслиги;
- мультимедиа кўрсатмаларининг етишмаслиги;
- ўқишдаги ишончлик ҳолатини пастлиги;
- тескари алоқа йўқлиги ёки ўқитувчи билан алоқа ўрнатиш;
- таълимни ташкил этиш хизматларининг етишмаслиги;
- ижтимоий алоқаларнинг йўқлиги;
- тингловчилар иштирокини фаол эмаслиги каби муаммолар мавжудлиги таъкидланган.

Украина давлатида ҳам масофавий ўқитишнинг жорий этилишида ҳам талайгина муаммолар юзага келганлиги ва улар ҳақида Украиналик ёш олима Алина Чечет қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган².

Масофавий таълим ҳамма учун мос, жуда қулай ва арзон, ўқишни кундалик ҳаёт билан уйғунлаштиришга имкон беради. Кўпинча «масофавий ўқитиш» атамаси масофавий ўқитиш, уй шароитида ўқитиш, мустақил ўқиш, ташқи таълим билан чалкашади. Таълимнинг барча бу шакллари битта муаммоли соҳага тегишли, аммо бироз бошқача маънога эга. Албатта, масофавий ўқитиш бошқа таълим шаклларига нисбатан жуда кўп афзалликларга эга.

Буларга индивидуал суръатда машқ қилиш, жадвалнинг эркинлиги ва мослашувчанлиги, фойдаланиш имконияти, ҳаракатчанлик, ишлаб чиқариш, ижтимоий тенглик, ижодкорлик, индивидуал ёндашув, интензивлик, қулай шароит ва бошқалар киради. Инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси сингари, масофадан ўқитиш ҳам жуда катта афзалликлар билан бирга, бир қатор камчиликларга

эга. Бу машғулотларда қатнашаётган талабаларни аниқлаш. Кимки имтиҳонни компьютер экранининг бошқа томонида топширганлигини текшириш жуда қийин. Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўта профессионал иш юки туфайли масофадан ўқиётган талабалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа йўқлигини таъкидлаш керак.

Бундан ташқари, муҳим муаммо – ўқитувчиларнинг масофадан ўқитишнинг замонавий технологияларини билмасликлари. Аксарият ўқитувчилар масофадан туриб ўқитиш, шунингдек сиртқи таълимни паст деб билишади, чунки имтиҳон пайтида талабанинг ҳаракатларини кузатиб бориш имкони йўқ. Имтиҳон пайтида интернет, ўқув материаллари ва учинчи томон ёрдамидан фойдаланиши мумкин бўлган одамнинг билимини объектив баҳолаш жуда қийин. Масофавий ўқитиш асослари ёзма равишда белгиланади, бу талабанинг билимларини оғзаки шаклда ифода этишини чеклайди. Амалий машғулотларнинг етишмаслиги тўлиқ маълумот олишни истасан талаба учун ҳам салбийдир. Охир-оқибат, натижа талабанинг ўзини ўзи тарбиялашга боғлиқ. Масофавий таълим мустақиллик ва онгни талаб қилади.

Украина олий таълим тизимида масофавий таълимни тўлиқ амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни белгилаш керак³:

- масофавий таълим жараёнининг барча иштирокчилари унинг зарурлиги ва замонавий жамиятда жорий қилиниши мумкинлиги тўғрисида хабардорлик;
- турли хил ўқитишга асосланган масофавий таълим тизимлари ва уларнинг тегишли телекоммуникация тармоқларини яратиш;
- масофавий ўқитиш учун ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва сертификатлаш;
- таълим муассасаларининг интернет тармоғига уланиш ва уларнинг сайтларини шакллантиришни таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш муаммолари ечимларини ҳал этиш зарурлиги таъкидланган.

Республикамизда ҳам масофавий малака ошириш ташкил қилишда туркум муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат⁴:

³ Алина Чечет. Проблемы дистанционного обучения в Украине. Наукові конференції. Київ, 2014 г. (<http://oldconf.neasmo.org.ua/node/3220>)

⁴ Тайлаков Н.И., Тайлакова Д.Н., Низомхонов С.Э. Халқ таълими ходимлари масофавий малакасини ошириш-
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2021, 1 (98)

¹ Ashish Pant. Distance Learning: History, Problems and Solutions. Advances in Computer Science and Information Technology Journal. Karamchari Nagar, 2014. –P. 66-68. (https://www.krishisanskriti.org/vol_image/02Jul201510072615%20%20%20%20ashish%20pant%20%20%20%20%2065-70.pdf)

² Алина Чечет. Проблемы дистанционного обучения в Украине. Наукові конференції. Київ, 2014 г. (<http://oldconf.neasmo.org.ua/node/3220>)

– техник (компьютер ва техник қурилмалар, алоқа каналлари билан таъминлаш);

– ташкилотчилик (юқори малакали бошқарувчи, мутахассислар билан таъминлаш);

– услубий (кўргазмали қуроллар, маърузалар матни, мультимедиа, анимация, тест маълумотлари билан таъминлаш) ўқув жараёни олиб бориладиган таълим муассасаларини аниқлаш;

Масофавий малака оширишни яратишда юзага келадиган муаммолар қуйидаги хусусиятлари билан характерланади¹:

– яратилаётган тизим малака ошириш институтлари ходимлари, профессор-ўқитувчилари, тингловчиларига қанчалик мўлжалланганлиги даражаси;

– тизимда фойдаланувчи, бошқарувчи, администратор интерфейсларининг ташкил қилиниш даражаси;

– электрон малака ошириш ташкил этилишида керакли ускуналар, яъни сервер, интернетга чиқиш каналлари, дастурий таъминотлар учун минимал ва максимал талаблар таъминланганлик даражаси;

– тизим республика ва хорижнинг етакчи таълим муассасаларида қўлланилаётган бошқа дастурлар билан мос тушиши ва қабул қилинган халқаро меъёрларга тўғри келиш даражаси;

– тизимдан фойдаланувчилар учун қўлланма, фойдаланувчининг ёрдам ойнаси ва бошқа қўшимча имкониятларнинг мавжудлик даражаси;

– тизим билан ишлашда керак бўладиган ходимлар сони, тизимни ўрганиш ва қайта ишга тушириш жараёни;

– тизимда ўқув курсларига мультимедиавий компонентлар ва тасвирий иллюстрацияларни қўшиш имконияти мавжудлиги даражаси;

– порталдан фойдаланувчилар ва муаллифлар гуруҳи (ёки бошқарувчи) ўртасида алоқа ўрнатишни ташкил қилиш (ички элек-

трон почта, эълонлар тахтаси, чат, веб-форумлардан фойдаланиш мумкинлиги) даражаси.

Мамлакатимизнинг таълим тизимига ҳам масофали ўқитиш аста-секин кириб келаётган бир пайтда, унинг мазмуни, тамойиллари, ташкил этиш усуллари, моделлари, унинг асосий элементларидан бири бўлган электрон дарслик яратиш каби долзарб вазифаларни ечилиши билан бирга ушбу тизимни янада такомиллаштириб бориш талаби ҳам кучайиб борди.

Масофавий таълим тизимини Ўзбекистонга кириб келиши ва тараққий этиши борасида ҳам кўплаб ислохотлар олиб борилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси қошидаги Масофали ўқитиш марказида масофали курслар ташкил этилиб (масалан, «Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш»² курси), бу курслар 2006 йил сентябридан³ бошлаб, тажрибадан ўтказилиб амалиётга жорий этилган.

Масофавий ўқитиш асосан республикамиздаги аксарият олий таълим ва халқ таълими муассасаларида Moodle тизими асосида ташкил этилди. Moodle тизимида форум, мазмун (ўқув жараёни графигига боғланмаган ўқув модуллари), тақвим (ўқув жараёни графигига боғланган ўқув модуллари) каби уч хил ҳажмдаги ўқув курслари мавжуд. Ўқув курси ихтиёрий ҳажмдаги ўқув материаллари (веб-саҳифалар, китоблар, файллар, каталоглар) билан бир қаторда ихтиёрий элементларини ҳам ўз ичига олади⁴.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти таркибида «Масофадан ўқитишнинг ҳудудий мувофиқлаштириш марказлари (кейинги ўринларда МЎҲММлар) халқ таълими ходимларини масофадан ўқитиш тизимининг ҳудудий бўлинмалари ҳисобланиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Осиё Тараққиёт Банки ўртасида 2000 йил декабрь ойида «Таълим секторини ривожлантириш дастури бўйича Стабилизация заёми» юзасидан қабул қилинган Меморандум бўйича Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатил-

нинг электрон тизими ва уни такомиллаштириш муаммолари. / "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали. 2015, №3. – 58 б.

¹ Тайлаков Н.И., Тайлакова Д.Н., Низомхонов С.Э. Халқ таълими ходимлари масофавий малакасини оширишнинг электрон тизими ва уни такомиллаштириш муаммолари. / "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали. 2015, №3. –Б. 58-59

² <http://uz.denemetr.com/docs/117/index-19796.html>

³ https://1pdf.net/-_585f2b0ce12e89f571f89b93

⁴ Сабирова Д.А. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш технологиялари. / "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали. 2016 йил 11-сон. – Б. 19.

ган топшириқларнинг ижроси сифатида 2004 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари таркибида ташкил этилган. Ҳар бир ҳудудда ташкил қилинадиган 5 та Масофадан ўқитишнинг таълим ресурс марказлари МЎХММларнинг тегишли ҳудуд бўйича филиаллари ҳисобланиши белгиланган»¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 25-сонли қарорига асосан А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти таркибидаги Масофадан ўқитишни ривожлантириш марказида (МЎРМ) масофавий малака ошириш ўқув жараёни йўлга қўйилганлиги, мазкур малака оширишни ташкил қилишда самарали деб топилган ёндашувлардан мақсадли фойдаланишга аҳамият қаратилиши, интернет тармоғи орқали масофадан ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш ускуналарининг (турли дастурий маҳсулотлар, платформалар) имкониятлари ортиб бораётгани, таълим соҳасидаги халқаро ҳамжамият томонидан педагоглар малакасини масофавий шаклда ошириш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талаби сифатида эътироф этилаётгани ҳолда, таҳлиллар фақат техник ва ускунавий, дастурий таъминотга асосланган моделлар масофавий малака ошириш самардорлигини таъминлай олмаслиги таъкидланган².

Сурхондарё вилоятида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтида ҳам компетенциявий ёндашувлар асосида билим бериш, замонавий ахборот технологияларига яқиндан ёндашиш ҳамда янги техника ва технологиялар билан ишлашни ўргатиш мақсадида жуда кўп муайян ишлар амалга

оширилиб келинмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти халқ таълими муассасалари педагог кадрларининг масофадан малакасини ошириш борасида институт таркибидаги Масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш маркази (МЎХММ) масъул этиб белгиланган. МЎХММ томонидан 2012 йилда 144 нафар, 2013 йилда 570 нафар, жорий йилнинг 1-чорагида 323 нафар педагог кадрлар касбий билим, кўникма ва малакаларини масофадан ўқитиш шаклида оширишларига эришилган. Марказ ходимлари томонидан жорий йилнинг сентябрь ойига қадар таълим муассасалари раҳбарлари ва муассаса раҳбарлигига захирага олинган педагог кадрлар учун янги «SAKAI» ва «ALFRESCO» веб-бошқарув тизимлари асосида «Таълим муассасасини бошқариш маданияти» ва «Таълим менежменти» каби масофадан ўқитиш курсларини яратиш ишлари олиб борилган. Институт профессор-ўқитувчилари ва марказ ходимларининг техник, дастурий таъминот яратишдаги кўмаги ва ҳамкорлигида институтнинг расмий веб-портали <http://mahorat.uz> да сўнгги 3 йилда 8 та интернет форум, 2 та интернет анжуман, «Педагогик интернет олимпиада», 2 маротаба эсселар виртуал танлови, ўзида 400 га яқин дарс ишланмаларини мужассам этган педагогик интернет ярмарка, фото-форум-кўргазма, «Анжуманлар саройи» каби интернет анжуман ва танловлар ўтказилган. Марказ томонидан вилоят халқ таълими муассасаларида электрон ҳужжат алмашинувини ташкил этиш мақсадида «COMMFORT» видео мулоқот ва электрон файл алмашинуви тизими, 2000 га яқин электрон почта манзилларини ўзида мужассам этган @mahorat.uz корпоратив ҳимояланган электрон почта тизими, 70 га яқин умумий ўрта таълим мактаблари, 14 та ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари, 11 та ўқитувчи ва ўқувчи сайтлари, малака ошириш таълимига тингловчиларнинг қабули, тингловчиларнинг ўқув машғулотлардаги иштироки, тест синовлари ва якуний аттестацияларда эришган натижаларини ҳудудий буюртмачилар билан электрон ҳамроҳлигини e-mail, web, SMS шаклида таъминловчи <http://malaka.mahorat.uz> – «Электрон ректорат» тизими яратилган³.

¹ А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ Илмий Кенгашининг 2012 йил, 10 июлдаги йиғилиши 4/4 қарори билан тасдиқланган “Масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш марказларининг НИЗОМИ”. Тошкент, 2012. Б. – 3 б. (<http://uz.denemetr.com/docs/1180/index-130605.html>)

² Асқаров А.Д. Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан **ошириш тизимини такомиллаштириш. Педагогика** фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент, 2017 йил. –Б. 65-72.

³ Соҳибов Б.А. Масофавий таълим шаклидаги малака ошириш тизими-ўқитишнинг замонавий усули. / “Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнали. 2014, №9 -Б. 4-5.

Илмий изланишларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан қуйидаги ишларни амалга оширилиб келинмоқда:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»¹ 234-сон қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш низом»нинг 88-бандини таъминлаш мақсадида ва Халқ таълим вазирлигининг 2016 йил 4-январдаги 1-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар асосида тоифалар, блоklar, модулар кесимида информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари масофавий малака ошириш курслари ўқув материалларини такомиллаштирилиб, WWW.avloniymtk.uz, www.masofa.uz порталига ўқув материаллари жойлаштирилган;

– А.Авлоний номидаги халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг 2016 йил 29 февралдаги Илмий Кенгашининг 2-сонли баённомасига асосан:

1. Информатика фани назарияси ва ўқитиш методикаси (умумий ўрта таълим мактаblари информатика фани ўқитувчиларининг масофавий малака ошириш курси учун ўқув қўлланма).

2. Халқ таълими ходимларининг масофавий малака ошириш курсларида тармоқда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш бўйича электрон ўқув қўлланма.

3. Масофавий малака ошириш курсларида тармоқда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш бўйича методик кўрсатмалар порталга жойлаштирилди ва информатика фани бўйича масофавий малака ошириш курслари мазкур қўлланмада келтирилган маълумотлар 2016 йил март ойидан 2017 йил декабрига қадар амалиётда фойдаланилган.

– Халқ таълим вазирлигининг 2018 йил 10 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги олий маълумотли кадрларни касбий ва педагог қайта тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда Халқ таъ-

лим вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Халқ таълими тизими раҳбар, мутахассис ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш курслари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида»ги Низомда келтирилган талаblар асосида А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИда «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчилари учун масофавий касбий ва педагогик қайта тайёрлаш курсларининг «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини методик таъминотини ишлаб чиқилиб, qt.masosa.uz сайтига жойлаштирилган²;

– А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ Илмий кенгашининг 2019 йил 28 февралдаги 2-баённомасига асосида тасдиқланган, масофавий касбий ва педагогик қайта тайёрлаш курслари учун ҳаммуаллифликдаги «Фанни ўқитишда ахборот технологияларни қўллаш» ўқув қўлланмаси амалиётга қўллашга тавсия этилган;

– информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари учун 20 дан ортиқ видео дарслар тайёрланиб, youtube.com сайтидаги (Bahodir Xurramov) каналга жойлаштирилган;

– информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари учун www.surxonmalaka.uz, surxonmasofa.uz:85 сайtlари ҳамда «https://telegram.me/Informatika_darslari» телеграм канали ташкил этилган бўлиб, масофавий методик ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари сифатида Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари касбий фаолиятини шакллантиришга қаратилган педагогик тизимнинг самарадорлик даражаси аниқланиб, фан ўқитувчилари компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 34-сон, 433-модда. (<https://lex.uz/docs/2450024#2450301>)

² А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИнинг 2019 йил 7 февралдаги 01/09-108-сонли хати.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2016. Б. 14-15.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Азизова М.И., Джамалова Г.С. Ўзбекистонда масофавий таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари. / «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. 2018 йил № 3-сон. – Б. 1-3.
4. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х., Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2009. – 91 б.
5. Бондарева О.В. Лингвометодические основы дистанционного обучения РКИ на начальном этапе (фонетический аспект): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 2010. 65-67 с.
6. Тайлаков Н.И., Тайлакова Д.Н., Низомхонов С.Э. Халқ таълими ходимлари масофавий малакасини оширишнинг электрон тизими ва уни такомиллаштириш муаммолари. / "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали. 2015, №3. – Б. 58-59.
7. Сабирова Д.А. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш технологиялари. / "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали. 2016 йил 11-сон. – Б. 19.
8. Ибраймов А.Э. Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари масофавий малака оширишларининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент: 2017 йил. – Б. 56-78.
9. Оқназаров Т., Қаршиева Д. Таълим муассасалари ходимларини малакасини оширишда замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар халқаро илмий конференция. – Тошкент: 2018. – Б. 32.
10. Асқаров А.Д. Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) олиш учун ёзилган диссертацияси. - Тошкент, 2017 йил. – Б. 65-72.
11. Кенжабоев А., Саломова Г., Соҳибов Б.А. Масофавий ўқитишнинг педагогик асослари. / "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали. 2014, № 10. - Б. 3-4.
12. Соҳибов Б.А. Масофавий таълим шаклидаги малака ошириш тизими-ўқитишнинг замонавий усули. / "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали. 2014, №9. - Б. 4-5.

Фойдаланилган интернет ресурслари:

1. <https://lex.uz/> - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Теория и практика дистанционного обучения: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учебн. заведений / Е.С. Полат, М.Ю. Бухаркина, М.В. Моисеева; Под ред. Е.С. Полат // М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 17 с. (<https://www.twirpx.com/file/2348064/>)
3. Rebecca Van de Vord. Distance students and online research: Promoting information literacy through media literacy. The Internet and Higher Education Journal. Czech, 2010, Pages. 170-175. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1096751610000266?via%3Dihub>)
4. Ashish Pant. Distance Learning: History, Problems and Solutions. Advances in Computer Science and Information Technology Journal. Karamchari Nagar, 2014. –P. 66-68. (https://www.krishisanskriti.org/vol_image/02Jul201510072615%20%20%20%20ashish%20pant%20%20%20%20%2065-70.pdf)
5. Алина Чечет. Проблемы дистанционного обучения в украине. Наукові конференції. Київ, 2014 г. (<http://oldconf.neasmo.org.ua/node/3220>)
6. <http://uz.denemetr.com/docs/117/index-19796.html>
7. https://1pdf.net/_585f2b0ce12e89f571f89b93
8. <https://docs.moodle.org/archive/ru/>
9. Акрамова Ф.А., Асланов И.Н., Қўлдошева Г.Д., Арапбаева Д.К., Расулова Ф.Ф. «Психологиянинг долзарб масалалари». Маърузалар матни. Тошкент, 2014 й. Б. – 2. (<http://library.ziyonet.uz/uz/book/13840>)
10. <https://e-books.tsue.uz/pdf-ahborot-tehnologiyalari-moduli-boyicha-maruzalar-matni-va-amaliy-mashgulot-ishlanmalar-majmuasi>
11. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ Илмий Кенгашининг 2012 йил, 10 июлдаги йиғилиши 4/4 қарори билан тасдиқланган “Масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш марказларининг НИЗОМИ”. Тошкент, 2012. Б. – 3 б. (<http://uz.denemetr.com/docs/1180/index-130605.html>)